

«Биз уларга зулм қилмадик»



08:19 / 19.05.2020 2061

Абу Бакр ибн Айёш айтади: «Усмон ибн Осимнинг олдига кирдим. У жон талвасасида ётган экан. Бироз вақт ўтиб, у ҳушидан кетди. Кейин ўзига келиб, ушбу оятни ўқиди: **«Биз уларга зулм қилмадик, лекин (ўзларига) ўзлари зулм қилдилар»** (*Зухруф сураси, 76-оят*). Кейин яна ҳушидан кетди, сўнг яна ўзига келди. Ҳар сафар ўзига келганида ўша оятни такрорларди».

Жобир ибн Нуҳ айтади: «Аъмаш ўлими олдидан тинмай йиғлади. Унга: «Эй Абу Муҳаммад, нима учун йиғлаяпсан?» дейишди. У: «Ҳеч нарса мени йиғлашдан тўса олмайди, чунки ўзимнинг қандайлигимни жуда яхши биламан», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан

